



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2021 йил 25 декабрь, № 276 (8056)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ РЕЖАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 декабрь куни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдими билан танишди.

Ахборот технологиялари барча соҳаларда самарадорлик ва қулайликка хизмат қилади. Шу боис бу борада кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда 100 дан ортиқ IT-мактаблар фаолияти йўлга қўйилди. "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида 500 мингдан зиёд ёшлар дастурлашни ўрганди.

IT-парклар ташкил этилганидан буён соҳада экспорт ҳажми 50 баробарга кўпайиб, 40 миллион долларга етди. Резидентлар сони 147 тадан 500 га ошди, 300 дан зиёд янги компаниялар фаолияти йўлга қўйилди. IT-паркларда 8 минг 500 та юқори даромадли иш ўринлари яратилди.

Бундай ишларни давом эттириб, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш бўйича режалар ишлаб чиқилган. Хусусан, йирик экспортёрлар билан ишлаб, IT-паркларда хизматлар экспорти ҳажмини 80 миллион долларга етказиш мўлжалланган. Яппи ички маҳсулотда рақамли иқтисодиёт улушини ошириш, электрон хизматлар учун энгилликлар яратиш назарда тутилган.

Тақдимотда шу борада тақлиф этилаётган чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилда IT хизматлар ҳажмини 35 фоиз ошириб, 21 триллион сўмга етказиш, дастурлаш хизматларини кўпайтириш учун

барча имконият борлигини таъкидлади.

Сунъий интеллект марказини ишга туширишни жаддалаштириш, хориждан IT мутахассислар жалб этиш тартибини соддалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига келгуси йилда IT тармоқлар тезлигини 1,8 баробар ошириш ҳамда 1 миллион қўшимча кенг полсалари тармоқлар ўрнатиш вазифаси қўйилди. Бу орқали аҳоли пунктларининг барчаси мобил алоқа ва кенг полсалари интернет билан таъминланади.

Президент янги технологиялар, аввало, одамларга хизмат қилиши, қулайлик яратиши зарурлигини таъкидлади. Охириги йилларда 300 дан ортиқ давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, шу йилнинг ўзидан 16 миллион мартаба фойдаланилган. Келгуси йилда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар улуши 60 фоизга етказилиши белгиланди.

Тақдимотда бу борадаги яна бир қулайлик: фуқаро паспортининг рақамли профили ҳақида маълумот берилди. Gov Pass мобил иловаси смартфонга ўрнатилади ва унда паспорт, диплом, меҳнат дафтари, ҳайдовчилик гувоҳнома-

си каби кўплаб ҳужжатлар жамланади. Яъни фуқаронинг барча ҳужжатлари доим ёнида, телефонда бўлади. Бу вақт ва пулни тежаб, қоғозбозликни камайтиришга хизмат қилади, овозагарчиликларни бартараф этади.

"Хавфсиз шаҳар" тизими ижросига доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2026 йилгача бу тизимни тўлиқ жорий этиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари соҳани ривожлантиришнинг молиявий манбаларини мустақамлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИЛАРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 декабрь куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Илҳом Алиевни 60 йиллик юбилей билан самимий табриклаб, унга мустақам соғлиқ, омонлик ва катта муваффақиятлар, биродар Озарбайжон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равақ тилади.

Етакчилар Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари кун тартибидagi долзарб масалаларни кўриб чиқдилар.

Савдо-иқтисодий алоқалар ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди: ўзаро савдо кўрсаткичлари барқарор ошиб бормоқда, етакчи корхоналар кооперацияси кенгаймоқда. Шу ойда Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва

Боку шаҳрида саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди. Икки томонлама маданий-гуманитар дастур доирасида фаол алмашинувлар давом этмоқда.

Давлат раҳбарлари устувор тармоқ ва йўналишларда, шу жумладан, машинасозлик, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида амалий ҳамкорлик бўйича лойиҳаларни жадвал илгари суриш муҳим эканини қайд этдилар.

Минтақавий сиёсат ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бўлажақ тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек самимий ва дўстона муҳитда ўтди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН — РАҚАМЛИ ФОРМАТДА

Бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг "электрон ҳужжат айланиши", "электрон савдо", "электрон банк хизматлари", "электрон тўловлар" ва бошқа муҳим таркибий қисмлари ҳаётимизга узил-кесил кириб келди. Уларнинг кундалик ҳаётда турмушимизни нечоғли осонлаштириши, харажатларни камайтириши, муаммоларни ҳал қилишини кўпчилигимиз ўз тажрибамиздан билиб олишга улгурдик.

Ислоҳот

Адлия вазири Русланбек Давлетов Тошкент ёшлар форумида сўзга чиқиб, муҳим бир ахборот билан ўртоқлашди. Унинг айтишича, рақамли ҳужжат тизими-га ўтилганидан сўнг вазирликда қоғоздан фойдаланиш бутунлай тўхтатилибди, натижада нафақат қоғоз, балки катта миқдордаги бюджет маблағлари ҳам тежаб қолинди.

— Адлия тизими йилига 100 тонна қоғоз харажатидан халос бўлди. Аҳолидан 34 турдаги маълумотномаларни қабул қилиш талаби бекор қилингандан кейин 46 миллиард сўм тежаб қолинди, — деди у.

Бу рақамлаштириш чора-тадбирларининг самарасини, муҳимлигини акс эттирадиган бир мисол, холос.

Дунё амалиётига кўра рақамли форматга ўтиш қоғозбозликни қисқартирибгина

қолмай, вақт, транспорт харажатлари, бошқа кўплаб ресурсларни тежаш имкониятини беради. Масалан, ҳужжатлар айланиши электрон тартибда амалга оширилганда жойда ходимларнинг ишдан жавоб сўрашларига ҳам ҳожат қолмайди. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилашга эришилади, меҳнат самарадорлиги ошади, товар ва хизматларнинг юқори рақобатбардошлиги таъминланади, ишлаб чиқариш харажатлари камайтирилиб, иш ўринлари яратилади. Бундан ташқари, барча маълумотларни ягона базага тўплаш уларни ишончли сақлаш, таҳрир ва назорат қилиш имкониятини беради, масофавий хизматлар кўламини кенгайтиради.



Жараён

МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ, ФАРОВОН ҲАЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади — инсон қадри ва қимматини таъминлаш. Аини жараёнда инсон саломатлигини ҳимоя қилиш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз раҳнамолигида соҳага илгор замонавий технологиялар олиб келинди. Бунинг натижасида чекка ҳудудларда ҳам бугунги кунда мураккаб операциялар муваффақиятли амалга ошириляпти. Халқаро ҳамкорлик мустақамланяпти. Айниқса, мураккаб пандемия шароитида жонқуяр тиббий ходимларининг матонати билан минглаб юртдошларимизнинг ҳаёти асраб қолинди.

Хўш, соҳани янада тараққий эттириш, тиббий хизмат самарадорлигини ошириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? Соҳа ходимларини қандай муаммолар ташвишлантиряпти? Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан "Ўзбекистон тиббиёти — инсон қадри учун" мавзусида бўлиб ўтadиган очик мулоқот арафасида иш бошлаган Call-марказга соҳа ходимлари, фуқаролар турли саволлар, муаммолар билан мурожаат қилишлари мумкин.



Республика Кенгаши йиғилиши

ВЕЛОСПОРТ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Кеча видеоконференцалоқа орқали Велоспортни ривожлантириш бўйича республика кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда мазкур Кенгаш аъзолари, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари вакиллари қатнашди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси раиси Танзила Норбоева бошчилигида бўлиб ўтган йиғилишда дастлаб Президентимизнинг шу йил 24 сентябрдаги "Велоспортни ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси, аҳоли ўртасида велоспорт турлари оммавийлигини ошириш, миллий терма жамоанинг Осиё ва Парасийё ўйинлари, Осиё чемпионатлари ва бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этиши ҳамда юқори натижаларга эришишини таъминлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, соҳада сўнги тўрт

йилда бир қатор ишлар амалга оширилиб, муайян натижалар кўлга киритилди. Хусусан, велоспорт бўйича миллий терма жамоамиз халқаро мусобақаларда 98 та медални кўлга киритди. Шу билан бирга, Тошкент вилоятида 2019 йилда 40 дан ортиқ давлатлар спортчилари иштирокида бўлиб Осиё чемпионатига умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.




ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР ҒОЯСИНИ ДУНЁ ТАН ОЛМОҚДА

ёхуд ўзбек олимларининг Ўзбекистон кластер тизими ҳақидаги асари етти тилда чоп этилди

Хушхабар

Шу йили Германияда "Cotton-Textile Cluster — locomotive of the economic development" ("Пахта-тўқимачилик кластери — иқтисодий тараққиёт локомотиви") китоби инглиз тилида чоп этилган эди.

Мазкур асар Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор Муртазо Раҳматов ҳамда академик, биология фанлари доктори, профессор Бақридин Зарипов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳининг ижод маҳсулидир. Унда мамлакатимизда сўнги беш йилда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш борасидаги янгилишлар ҳақида баътафсил ҳикоя қилинади. Китобда таъкидланганидек, Ўзбекистон Президенти



Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ғояси асосида амалиётга кластер тизими жорий этилиб, қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот етиштириш ва чуқур қайта ишлашнинг "занжирли усули" яратилди. Бу эса ўтган жуда қисқа вақт ичида соҳани тараққиёт сари етакловчи "драйвер"га айланди.



БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ЯНАДА САЙҚАЛ ТОПАДИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муваффақиятлари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида, жумладан, санъат соҳасида ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, 16 декабрь куни ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси томонидан бахшичилик санъати Инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Акс садо

Ушбу муҳим ва қувончли янгилик маданият арбоблари, устоз бахшилар ҳамда иқтидорли ёшлар, фольклор санъати илҳомдонлари, кўп миллатли халқимизга, албатта, гурур ва ифтихор бағишлайди.

Мазкур тарихий воқеа муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизга йўллаган табригида таъкидланганидек, бу юксак эътироф дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, ранг-баранг ижодий мактаблар ва изчил ривожланиш силсиласига эга бўлган ноёб бахшичилик санъатига улкан ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Атоқли адиб Ойбек таърифи билан айтганда, "Бадиий маданиятнинг биринчи вакиллари халқ шоирлари — бахшилар" эканлигига шак-шубҳа йўқ. Бахши халқ терма ва достонларини ижро этувчи, авлоддан-авлодга етказувчи, юксак профессионал тайёргарликка эга бўлган санъаткордир. У ҳамisha эл-юрт қувончю оғуз-умидлари билан жаннафас ашайди. Ёшларни она юртва, миллий-маданий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, адолат ва инсонийликка чорлаш, қисқа айтганда, уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишишда эзгулик элчилари бўлган бахши, оқин ва жировларнинг ўрни ҳамда таъсири бекиёсдир.



Дунё АА. Сеул

ВЕЛОСПОРТ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Табийки, буларнинг барчаси мазкур спорт турига қаратилаётган катта эътибор самарасидир. Хусусан, худудларда велоспорт турларини изчил ривожлантириш, аҳолининг ушбу спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда Федерация хуудий бўлинмалари ва спорт объектларида молиявий ва моддий-техник базани яна мустаҳкамлаш билан боғлиқ долзарб вазифалар мавжуд.

Ўз навбатида, 2022/2023 ўқув йилида бошлаб Бухоро, Қарши, Навоий, Термиз олимпия захиралари коллежларида велоспорт бўлимларини ташкил қилиш, вилоятлардаги спорт турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида велоспортнинг шоссе (Road) тури, болалар-ўсмир-

лар спорт мактабларида велосипед спорти бўлимларини очишни жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Велосипед йўлакларини замонавий, энергетечамкор ёритиш тизимлари ва ёруғлик қайтарувчи йўл белгилари билан тўлиқ таъминлаш, ижтимоий ва туризм инфратузилмаси объектлари учун велосипед йўлак ва тураргоҳларини қуриш, ногиронлиги бўлган шахслар учун "тўсиқсиз муҳит" ташкил этиш, таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотлар худудларида велосипед тураргоҳларини барпо қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳам айtilди.

Тадбирда Самарқанд, Тошкент ви-

лоятлари ва пойтахтимизда велоспорт турларига ихтисослаштирилган спорт мажмуаларини қуриш ишларининг ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш давомида велоспорт турларини худудларда ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, истиқболдаги режалар, жумладан, ушбу спорт турларига ёшларни кенг жалб қилиш, истеъоддиларни аниқлаш, саралаш (селекция) ҳамда профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи».)

Сенат қўмитасида

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг экспертлар гуруҳи янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини кўриб чиқди.

КИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ УЗАЙТИРИЛАДИ?

Тадбирда сенаторлар, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Муҳокамалар жараёнида 1995 йилда қабул қилинган амалдаги Меҳнат кодекси бугунги шиддатли замон воқеалирига унчалик мос келмай қолганлиги алоҳида айтиб ўтилди. Масалан, ўз даврида қабул қилинган мазкур ҳужжатда фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилишнинг янги, турли шаклларининг фаол ривожланиши инобатга олинмагани таъбиийдир. Қолаверса, иш берувчилар, хусусан, қўшимча ишчиларни жалб қилишнинг содда шакллари танлашга имкон берадиган мослашувчан иш режимларидан кенг фойдаланиш учун етарли шарт-шароит яратишнинг ҳуқуқий ечимлари мазкур ҳужжатда кўзда тутилмаган.

Ана шу ҳаётий заруратдан келиб чиққан ҳолда Кодекс янги тахрирда ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, жумладан, Германия, Швеция, Норвегия, Буюк Британия, Латвия, Эстония, Япония, Корея Республикаси ҳамда МДХ давлатлари тажрибаси чуқур ўрганиб чиқилди.

Қатнашчилар томонидан алоҳида қайд этилганидек, янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг махсус қисми меҳнат ҳуқуқининг айрим институтларига бағишланган ва бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимлари қасбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби янги нормаларни ўз ичига олган. Шу билан бирга, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларига йигирма етти календарь куни йиллик узайтирилган таътил берилиши белгиланмоқда.

Йиғилишда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий тармоқлар ҳамда фуқаролардан келиб тушган тақлифлар ҳам батафсил кўриб чиқилди. Хусусан, яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари, меҳнат муносабатларидаги қамситиш омиллари, хизмат текшируви ҳамда жамоавий меҳнат низолари юзасидан берилган тақлифлар ҳар томонлама ўрганилди.

Таъкидлаб ўтилдики, янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар манфаатлари мувозанатини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳамкорликка жалб қилинишининг ортishi ҳамда меҳнат фаолиятига йўналтиришнинг янги шакллари изчил ривожлантириш, шунингдек, Меҳнат кодексини халқаро ҳуқуқ нормаларига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга мослаштиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ БИЛДИРДИ

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда юртимиз тараққиётига оид бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди.

Депутатлар айрим ҳужжатлар юзасидан ўз тақлифларини илгари сурди, эътирозлар ҳам билдирилди. Бахс-мунозара, тортишувлар эса пўхта-пишиқ қонунлар қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Озик-овқат товарлари олиб келиниши рағбатлантирилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, маҳаллий шартномалар доирасида юзага келадиган енгил бўлмайдиган кўчлар (форс-мажор) ҳолатлари тасдиқлаш амалдаги қонунчиликда белгиланмаган тадбиркорлик субъектлари учун амалиётда бир қатор муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлаётган эди.

Хусусан, коронавирус пандемияси сабабли кўлаб тадбиркорлик субъектлари маҳаллий шартномалар доирасида юзага келадиган енгил бўлмайдиган кўчлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлашни сўраб Савдо-саноат палатасига мурожаат қилишган. Лекин Палата бундай ваколатга эга бўлмаганлиги сабабли форс-мажор ҳолатларини тасдиқловчи сертификатлар берилмаган ва тегишли идоралар ёки ҳўжалик юритувчи субъектларга фақатгина хат чиқариш билан чекланилган.

Депутатлар томонидан биринчи ўқидида кўриб чиқилган қонун лойиҳасида маҳаллий шартномалар доирасида юзага келадиган енгил бўлмайдиган кўчлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш ваколатининг Савдо-саноат палатасига берилганлиги муносабати билан ушбу норма қонунда белгилаб қўйиш тақлиф этилмоқда.

Фракция аъзолари ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши маҳаллий шартномалар доирасида юзага келадиган енгил бўлмайдиган кўчлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базанинг яратилишига, ҳуқуқий бўлишларининг бар-тароф этилишига хизмат қилишини айтиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар берди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари нархлари

барқарорлигини таъминлашга қаратилган ўзгариш киритиш тўғрисида"ги, "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувлари чиқариб юбориш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам атрофича муҳокама қилинди.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилади

"Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида иккинчи ўқидида кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжатда нобанк кредит ташкилотларининг турлари, ҳизматлар рўйхати, бундай ташкилотларни ташкил этишга доир талаблар, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тартиби ўрнатилмоқда. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини уларнинг таваккалчиликка асосланган хизматидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда тартибга солиш ва назорат қилиш механизми жорий этилди.

Шунингдек, бундай хизматлардан фойдаланаётган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилмоқда. Яъни улар кўрсатадиган хизматлар тўғрисидаги маълумотлар ва шартномаларга бир томонлама ўзгариш ёки қўшимчалар киритишни тақиқлаш тўғрисидаги талаблар, истеъмолчиларнинг молиявий операциялари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятлари белгиланаётди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда ягона молия тизимининг тўлдирувчи сифатида нобанк кредит ташкилотлари ривожига хизмат қилишини инобатга олиб, қизгин муҳокама-лардан сўнг уни маъқуллашди.

Депутатлар томонидан атрофича муҳокама қилинган навбатдаги — "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса сув таъминоти ташкилотлари фаолияти-

да интизомни кўчатириш орқали носозликлар оқибатида ичимлик суви исроф қилинишининг олдини олади. Йиғилишда кўриб чиқилган шу ва бошқа қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясида келиб чиқиб тақлиф ва тавсиялар билдирилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жорий этилган имтиёзлар мuddати ўзгаридими?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам бир қатор қонун лойиҳалари қизгин кўриб чиқилди.

Шулардан бири — "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган ўзгариш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси қилш-баҳор мавсумида аҳолини асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан уزل-луксиз ва қаролатли таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳа асосий озик-овқат маҳсулотлари билан бозорни тўлдириш ва аҳоли эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси Солиқ кодексининг 1 та моддасига ўзгариш киритишни назарда тутуви 3 та моддадан иборат бўлиб, унда бир қатор асосий озик-овқат маҳсулотлари нисбатан таъбиқ этилган қўшилган қий-мат солиғидан озод этиш бўйича имтиёзларни 2022 йил 30 апрелга қадар узайти-риш тақлиф этилмоқда. Яъни ушбу мuddат-га суимлик ёки, қўнғабакор ва зигир уруғи, соя данагини олиб кириш, ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича айланмага, гўшт (моп, қўй, товуқ), тириж ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни, картошкани ҳамда музла-тилан балиқни реализация қилиш бўйича айланма ва уларни олиб кириш борасидаги имтиёзлар сақлаб қолинад.

Депутатлар томонидан барча қонун лойи-ҳалари партия электорати нуктаи назаридан кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятига оид масала — жорий йил IV чо-рагида фракция томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи».)

ЎЗБЕКИСТОН — РАҚАМЛИ ФОРМАТДА

Уларни қалбақлаштириш ёки ўзгариши имконияти бутунлай чекланиди, бу эса фирибгарлик ва коррупция сингари ноқонуний ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади.

Рақамлаштиришнинг тараққиётдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, мамлакатимизда миллий иқтисодиётни рақамли форматга ўтказиш барча соҳалар учун устувор вазифа қилиб белгиланган. Унинг муҳимлиги давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга йўналган Мурожаатномада алоҳида таъкидланди. Президент, рақамли иқтисодиёт кейинги беш йил давомида асосий "драйв" бўлишини ўқтириб ўтди. Миллий ахборот-коммуникация соҳасининг ривожлантирилиши ҳисобига юртимизда юқори технологияли сервислари жорий этишга эришилмоқда, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт, давлат бошқаруви, ижтимоий сектордаги барча йўналишни сифат жиҳатидан янада юксатириш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашувиغا Президент ташаббуси билан қабул қилинган қатор ҳужжатлар кучли импульс берди. Улар давлат раҳбарининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарини яратиш, "Электрон ҳукумат" тизимини модернизация қилиш учун асос бўлди. Электрон давлат хизматларининг кенг қўламолиши ҳисобига "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойили тўлақонли амалга оширилмоқда. Технологиялар жойлардаги ижтимоий муаммоларни аниқлаш, уларни тезоркорлик билан ҳал этиш, қозғовозлик, бюрократия ва коррупцияга чек қўйиш имконини бермоқда.

Электрон савдо салоҳиятини оширишга, замонавий тўлов тизимларини жорий қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг нечоғи самарали эканлигини коронавирус пандемияси даврида ҳаммавириз англаб етди. Айнан шу технологиялар ёрдамида глобал пандемиянинг мураккаб даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга эришилаётди.

Албатта, рақамли форматга ўтиш осон бўлаётгани йўқ. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тизимини такомиллаштиришга оид берилган топириқлар изчил амалга оширилляпти. Юртимизнинг энг чекка худудлари ҳам эътибордан четда қолмаёпти. Барча вилоятларда интернет сифатини яхшилаш, рақамли инфратузилмани модернизациялаш, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш, замонавий телекоммуникация хизматлари қўламини ошириш борасида комплекс чора-тадбирлар бажарилмоқда.

Натижада бугунги кунда халқаро интернет тармоғида уланшининг умумий ўтказувчанлик имконияти 1200 Гигабит/секунд, вилоятлараро даражада 400 Гигабит/секунд, туманлараро эса 40 Гигабит/секундга ташкил қилмоқда. Телекоммуникация тармоғининг оптик-толали алоқа линиялари узунлиги 104,6 минг километрдан 118,6 километрга етказилди. Мобиль интернет тезлиги 1,5 баробар оширилди, 10 минг 431 та қўшимча таянч станциялари ўрнатилди ва уларнинг сони 42 минг 171 тага етказилди.

Оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун тариф ўтган йилдаги

нисбатан 42,9 фоизга арзонлаштирилиб, 1 Мбит/с учун 30 минг сўмини ташкил этмоқда.

2023 йилга қадар халқаро маълумотлар узатиш каналининг ўтказувчанлик қобилияти 3,5 маротаба оширилади. 150 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилиши ҳисобига маълумотлар узатиш тармоғи кенгайтирилади. Халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларининг мобиль алоқа тармоқлари билан тўлиқ қамраб олинishi таъминланади. Оптик толали алоқа линиялари барча аҳоли пунктларига етказилиб, уй ҳўжалиқларининг камида 80 фоизи учун интернетга кенг поласали симли уланиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, 2022 йил 1 январдан бошлаб, интернет жаҳон ахборот тармоғига кенг поласали уланиш тармоғига қўшилган ва қуришда маъмурий биналар ҳамда кўп квартирали уйлар камида 1 Гбит/с, таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа давлат ташкилотларини камида 100 Мбит/с ўтказувчанлик қобилияти билан таъминлаш вазифаси қўйилган.

Бу каби кўп қиррали фаолият эвазига рақамлаштириляётган соҳа ва тармоқларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Жумладан, тиббиёт соҳасида масофавий хизматлар тизими шакллантирилиб, бирламчи тиббий-санитар муассасалар "Электрон поликлиника" форматига ўтказилмоқда. Қишлоқ ҳўжалиғида "Ягона ойна" тамойили асосида юздан ортиқ аграр хизматлар жорий этиш, агротехника ишларини амалга ошириш, табиий ресурсларни тежаш, ер унумдорлигини ошириш каби чора-тадбирларни автоматлаштириш устида иш олиб боришмоқда.

Тақдирларга кўра, боғжона тизимидаги рақамлаштириш ишларининг жадал суръатлари диққатга сазовор. Кейинги пайтда унда 67 халқ ахборот тизими ва 33 турдаги интернет-сервислар жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида, ҳўжалик объектларининг ишини осонлаштириш, вақти ва маблағларини тежаш имконини бераёпти. Хусусан, "Электрон боғжона" тизими доирасида боғжона ҳўжатларини расмийлаштириш жараёнлари самарадорлиги сезиларли даражада оширилди. Бу каби бошқа замонавий ахборот тизимлари ёрдамида экспорт учун ҳўжатларни расмийлаштириш вақти 1,7 баробар, импорт учун 1,4 баробар қисқартирилди.

Бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Асосийси, буларнинг барчаси рақамлаштиришнинг давлат ва жамият ҳаётидаги афзаллиқларини яққол намойён этмоқда. Айнан шунинг учун дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари рақамли иқтисодиётни танлаган ва бу орқали ўз иқтисодиётларининг юқори рақобатбардошлиғига эришганлар. Айни чоғда бу мамлакатларда кўплаб соҳалар — ишлаб чиқариш, ҳисоб ва бошқаруви жараёнлари алаҳқон автоматлаштирилиб, тобора такомиллаштирилмоқда. Табиийки, биз ҳам бу борада изчил изланиб, ҳаракатни жадаллаштиришмоқдамиз.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда электрон муносабатларнинг жадал ривожланаётгани, бунинг учун зарур шарт-шароитлар таъминлаб бериляётгани барча учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Гулбўҳор ТАҒИРОВА.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ҚАМРОВИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинида кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда. Хусусан, мактабгача таълим тизимига қаратилган алоҳида эътибор натижасида мактабгача ёшдаги болаларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичи 2017 йилда 27,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йили — 37,7, 2019 йили — 52,3, 2020 йили — 60,9, 2021 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра 62,4 фоизга етди.

Мулоқот

Эътиборлиси, бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бораёпти.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг ташаббуси билан ўтказилган "Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш, давлат Инвестициялар дастури доирасида амалга ошириляётган ишларнинг натижадорлиги" мавзусида амалий мулоқот ҳам айнан шу масалага бағишланди.

Унда депутатлар, Мактабгача таълим вазирининг мутасадди раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизнинг барча худудида мактабгача таълим ташкилотлари кўпаймоқда. 2017 йилда мамлакатимизда 5 минг 211 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 18 минг 254 тага етди.

Хусусан, 2021 йилда 3 — 7 ёшли болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 65 фоизга етказиш белгиланган. Шунингдек, Вазирам Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, 2025 йилда 6 ёшдаги болаларни мактабгача мажбурий тайёрларлик гуруҳлари тўлиқ қамраб олиш режалаштирилган.

Мактабгача таълим вазирилиги ўтган давр мобайнида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлашни жорий этиш бўйича лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ви-

лояти ҳамда Тошкент шаҳридаги туман ва шаҳарларда ташкил этилган 494 та гуруҳдаги 11 минг 103 нафар бола йиллик мажбурий тайёрларликдан ўтказилди.

Шу билан бирга, вазирлик томонидан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. 2017 йилдан буён чет эллик ҳамкорлар билан юртимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган 60 дан ортиқ ўзаро англашув меморандуми ва доиравий битимлар имзоланди.

Қолаверса, вазирлик соҳада Корея Республикаси, Жий Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Япония, Сингапур, Туркия, Польша ва бошқа мамлакатлар, шунингдек, Жаҳон банки гуруҳи, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, КОИСА, ЈИСА, ТІКА, ЕХТТ, Саудия тараққиёт жамғармаси, "Росотрудничество" каби халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, БМТнинг ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси билан биргаликда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари синовдан ўтказилди. Жумладан, юртимизнинг чекка худудида яшовчи 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга эътибор қаратган ҳолда "уйга таъриб", махсус таълимга эҳтиёжманд болалар учун "эрта ривожлантириш марказлари" синовдан ўтказилди.

Амалий мулоқот шаклида уюштирилган тадбирда қўйма аъзолари вазириликнинг мутасадди раҳбарлари билан соҳа юзасидан фикр алмашиб, ўзларининг тақлиф ва тавсияларини берди.

«Халқ сўзи».

ДАВЛАТ ҚАРЗИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЧИҚ БЎЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан "Ташқи қарз ҳажмини мақбул даражада сақлаб туриш, давлат қарзи бўйича маълумотларнинг янада очиқлигини таъминлаш" мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар

Депутатлар, Молия вазирилиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилиги ходимлари, мутахассислар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокидаги тадбирда давлат қарзининг жорий ҳолати, сўнги йиллардаги динамикаси, давлат ташқи қарзи ҳисобидан молиялаштириляётган лойиҳалар, қарзининг сўндирилиши ҳамда давлат қарзини мақбул даражада сақлаш ва самарали бошқаришга амалга ошириляётган чоралар, бу борадаги халқаро тажриба атрофича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2021 йил октябр ҳолатига давлат қарзи 25,3 миллиард долларни ёки яппи икки маҳсулотга нисбатан 38,4 фоизни ташкил этди. Шундан 22,7 миллиард долларга тенг қардорлик давлат ташқи қарзига тўри келади. Ушбу ташқи қарз маблағлари асосан бюджетни қўллаб-қувватлаш, инфратузилма, сановат ва қишлоқ ҳўжалиги лойиҳаларига йўналтирилган бўлиб, улар мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда давлат қарзини бошқариш бўйича халқаро тажриба, "Давлат қарзи тўғрисида"ги қонун лой

МАҚСАД – ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ, ФАРОВОН ҲАЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ

Президент Администрацияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа идораларнинг етакчи мутахассислардан иборат тузилган штаб таркибиде Сал-марказ, тахлил, ижро ва назорат гуруҳи ҳамда Медиа-марказ фаолият олиб бормоқда.

Тадқим этилган маълумотларга кўра, очик мулоқотга йўлланган мурожаатлар сони шу кунгача 2 минг 558 тага етди. Шулардан 1 минг 367 таси тиббиёт ходимларидан, 1 минг 191 таси фуқаролардан. Мурожаатларнинг 72 фоизи ўз ечимини топган бўлса, қолган қисми ижро жараёнига йўналтирилган.

Келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинганда 545 таси соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинига, 134 таси тез тиббий ёрдам хизматига, 132 таси ихтисослаштирилган марказлар фаолиятига, 82 таси илм-фан, 74 таси олий тиббий таълим, 64 таси санитария-эпидемиология хизмати, 58 таси фармацевтика, 54 таси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, 49 таси ижтимоий ҳимоя, 45 таси хусусий тиббиёт каби йўналишларга дахлдорлиги маълум бўлди. Қолаверса, малака ошириш, шошилинч тиббий ёрдам, ўрта махсус тиббий таълим, юридик хизмат, соғлом турмуш тарзи, давлат-хусусий шериклик йўналишлари бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар қабул қилинган.

Мурожаатларнинг катта қисми Тошкент шаҳри (179 та), Қашқадарё (131 та) ҳамда Фарғона (129 та), Андижон (113) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Сурхондарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Навоий, ва Сирдарё вилоятларидан 688 та мурожаат келиб тушган.

Хар бир мурожаат алоҳида назоратга олиниб, унинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилади. Хусусан, бирламчи тиббий ёрдам хизмати, ихтисослаштирилган марказлар фаолияти ва бошқа йўналишлар бўйича 556 мурожаатдан 477 таси ўз ечимини топди. Айни пайтда ижро жараёнидаги масалаларнинг 58 фоизи бирламчи тиббий ёрдам йўналишига оиддир. Худудлар кесимида эса уларнинг 22 фоизи Наманган ва Андижон вилоятларига, қолган 78 фоизи республикамизнинг бошқа худудлари ҳисобига тўғри келмоқда.



Сирожидин ВОҒИЦОВ олган, суратлов.

Белгиланган жадвал асосида марказда тиббиёт соҳаси вакиллари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ва мутахассислари иштирокида матбуот анжумани, учрашув ва суҳбатлар ташкиллаштирилади. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари марказ фаолияти билан танишиш баробарида, уларнинг қизиқтираётган саволларга бевосита мутахассислардан жавоб олиш имконига эга бўлаётди.

— Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда Президентимиз томонидан тиббиёт соҳасига жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиляпти, — дейди Санитария-эпидемиология соҳасидаги таъминлаш бўлими бошқариш ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги ўринбосари Нурмат Отабеков. — Соҳага халқаро ташкилотлар ва

молия институтларининг инвестицияларини жалб этиш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бешта Инвестиция дастури доирасида 243,44 миллион доллар йўналтирилган. Бугунгача эса 37,85 миллион доллар ўзлаштирилди. Амалга оширилган ишлар билан бирга, аҳолининг санитария-эпидемиология соҳасидаги таъминлаш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Буни марказга келиб тушаётган мурожаатлар ҳам кўрсатаяпти. Шубҳасиз, уларнинг ечими фаолият самарадорлигини ошириш, пировардида аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қилади.

Карим АБДУРАҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР ҒОЯСИНИ ДУНЁ ТАН ОЛМОҚДА

ёхуд ўзбек олимларининг Ўзбекистон кластер тизими ҳақидаги асари етти тилда чоп этилди



Айниқса, кластерлар томонидан амалиётга татбиқ этилаётган янги ғоялар, инновация ва «ноу-хау»лар аграр секторини сановатлаштириш, қишлоқ меҳнатқиларининг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қиляпти.

Мамлакатимиз аграрно-инновацион кластерлар тизимига жаҳон ҳамжамияти қизиқишини янада оширмоқда. Мазкур китоб жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакатларида сотилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Кўни кеча ушбу асарни чоп этилган «LAMBERT Academic Publishing» халқаро илмий нашриётдан хушxabар келди.

Унда айтилишича, «Cotton-Textile Cluster — locomotive of the economic development» китоби немис, испан, француз, италия, португал, рус тилларига ҳам таржима қилиниб, қайта нашр этилган. Натижада мазкур иккитобий асарни Россия, Латин Америкаси ҳамда Европа давлатлари аҳолиси ўз она тилида ўқшга муваффақ бўлди.

Биз ушбу кутубхонада бу хушxabар, янги Ўзбекистон халқига ўзига хос Янги йил байрами совғаси бўлди, — дейди китоб муаллифи, профессор Муртазо Раҳмонов. — Қўнворли томони шундаки, ушбу асар орқали дунё ҳамжамияти Президент Шавкат Мирзиёевнинг элни фаровон, халқни бой қилишдек эзу мақсада йўрилган кластер ғояси мазмун-моҳиятидан яқиндан хабардор бўлишмоқда. Ўзбекистоннинг ноёб таъриби билан танишиб,

янги Ўзбекистон ва бу ердаги қулай бизнес муҳити, инвесторларга яратиб берилган имкониятлар ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиляпти. Zero, «Cotton-Textile Cluster — locomotive of the economic development» китоби чет эллик ишбилармонлар, инвесторлар, экспертлар, давлат ва нодавлат сектор вакиллари учун мамлакатимиздаги ўзгаришларга оид зарур маълумотларни олишида муҳим манбага айланмоқда. Бу, ўз навбатида, давлатлар ўртасида нафақат иқтисодий ҳамкорликни, балки «халқ дипломатияси»ни ривожлантиришга ҳам муҳим хисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз.

«LAMBERT Academic Publishing» халқаро илмий нашриёти масъул ходими Елена Барбаннинг маълум қилишича, асарни бошқа тилларга таржима қилиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Гап шундаки, оммавий ахборот воситалари, amazon.com, lib.de, morebooks.de, umbreit.de, knigozal.com каби йирик интернет дўконлари, шунингдек, китобхоналар талабларига мувофиқ, ушбу асар хитой ва араб тилларига ҳам ўғирилмоқда. Демак, улар ҳам тез орада ўқувчилар қўлига етиб боради.

«Халқ сўзи».

Хабарлар

ҚИШЛОҚДА ЮҚОРИ ТЕЗЛИҚДА ИНТЕРНЕТ

Бухоро вилоятида 1 минг 468 та аҳоли пункти мавжуд. Шу кунгача уларнинг мингдан зиёди интернет хизмати билан қамраб олинган эди. Эндиликда улар қаторига яна 216 та аҳоли пункти қўшилди.

— «Ўзбектелеком» АК Бухоро филиали томонидан 92 160 портга мўлжалланган 66 та янги замонавий OLT қурилмалари ўрнатилди ва 1 минг 496 километр узунликдаги оптик тонали алоқа линияси тортилди, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Аҳоли Яшиев. — Натижада 216 та аҳоли пункти интернет хизмати билан тўлиқ таъминланди, миқозларга 1 Гбит/с. тезликдаги глобал тармоққа улашиш имконияти яратилди.

Таъкидлаш кераки, замонавий алоқа хизматлари кўрсатиш қамровини кенгайтириш, сифатини яхшилаш борасида вилоятда муайян таърибга тўлган. Чунончи, 2021 йилда 16 та янги база станцияси ўрнатилди. Мавжуд 91 база станцияси тезкор интернет технологияси асосида модернизация қилинди.

Бу каби юмушлар келгуси йилда ҳам изчил давом этади. Чунончи, 2022 йил якунига қадар хар бир аҳоли пунктини 10 Мбит/с дан кам бўлмаган маълумотларни узатиш тезлигидаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилган.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

КОРХОНАНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ИШГА ТУШДИ

Наманганда куни кеча фойдаланишга топширилган истиқболли лойиҳа — «TAI CHANG SPECIAL STEEL» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун «Наманган» эркин иқтисодий зонасида 30 гектар ер ажратилиб, Хитой Халқ Республикаси инвесторлари билан ҳамкорликда уч bosқичда 50 миллион АҚШ долларига тенг сармоя йўналтириш ва 800 та иш ўрни очиб режалаштирилган эди.

Корхонанинг дастлабки bosқичи иш бошлаши билан йилга 300 минг тонна жаҳон стандартларига мос ва импорт ўрнини босувчи турли металл маҳсулотлари — арматура, швеллер, катанка симлари кабиларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни жараёнда 28 миллион АҚШ доллари жалб этилди ва бу билан 300 та доимий иш ўрни яратилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

ФАРМАЦЕВТИКА БИЗНЕС ЭМАС, ТИББИЁТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

Ҳеч кимга сир эмас, тиббиёт ривожлангани сари касалликлар тури ҳам кўпайиб бораётди. Дард эса ҳар доим кўкқисдан, беморнинг на ҳамён ва на ижтимоий аҳоли билан ҳисоблашмай келади. Кўзига дунё тор кишининг аҳоли маълум: биргина малҳамга бор бисотини алмашишга тайёр бўлади. Бугун, яъни дунё миқёсида фармацевтика сановати тиббиётдан кўра кўпроқ бизнесга яқинлашган замонамизда коронавирус пандемияси хуружлари буни яққол кўрсатиб берди.

Пресс-тур

Тафсилотларга тўхталмаймиз, лекин дори-дармон масаласида ташқи боғлиқлик таъминининг бир тарафи бўлса, олис худудларда истиқомат қилаётган аҳолининг ўз вақтида сифатли дори воситалари билан таъминланиши шифо самарадорлигининг қалолати омилидир. Айнан шу жиҳатларга қаратилган эътибор мамлакатимизда «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси таркибидеги тузилмалар зиммасига юклатилган.

Хўш, ушбу тизимда қандай ўзгаришлар бор? Бундай саволларга «Дори-Дармон» АК томонидан «Навояй Дори-Дармон» АЖ таркибидеги корхоналар фаолияти ва худудда дори-дармон нархлари барқарорлигини таъминлаш йўлидаги лойиҳалар билан таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган пресс-турда жавоб олишга ҳаракат қилдик.

Тадбир аввалда «Навояй Дори-Дармон» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Таъкидлаш кераки, жамият таркибиде бугун «Авиценна» МЧЖ, 120 та стационар ҳамда 9 та мобил дорихона мавжуд. Мазкур субъектлар фаолияти туфайли йил бошидан буён даволаш-профилактика муассасаларига 13 миллиард 686 миллион сўмлик, аҳолига эса 11 миллиард 447 миллион сўмлик дори воситалари ва тиббиёт бўюмлари етказиб берилган.

— Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг имтиёзли асосида дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси бўйича 13 тўхтадаги касаллик ва шахслар рўйхати тасдиқланиб, уларга 385 миллион сўмлик дори воситалари ва тиббиёт бўюмлари бепул берилди, — дейди «Навояй Дори-Дармон» АЖ бошқаруви раиси Фулом Ориёв. — Жорий йилнинг шу кунига қадар фармацевтика маҳсулотлари сотувидан тушган соф тушум 26 миллиард 300 миллион (ўтган йили 22,3 млрд.), шундан улгурчи товар айланмаси 15,7 миллиард сўми ташкил этмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари «Авиценна» МЧЖда дори воситаларини ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. 2001 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхонада бугун 17 турдаги дори воситалари ишлаб чиқаришмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, Навояй вилоятида аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт бўюмлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор ишлар амалга ошириляпти. Бироқ фармацевтика бозорининг ўзига хос нозик жиҳатлари бор. Энг муҳими, бу бозордаги барқарорлик аҳоли қайфиятини белгилашини, унга фақат даромад манбаи эмас, балки жамият соғломлиги ва барқарорлигини таъминловчи омил сифатида қараш зарурати ни унутмаслик шарт.

— Айни кунларда Покистоннинг «Fair Enterprise» компанияси билан биргаликда корхонамизда антибиотиклар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ҳаракатидамиз, — дейди МЧЖ раҳбари Бобир Сирожов. — Бундан ташқари, бир қатор худудларда табиий гиёҳларни етиштириш орқали шифобахш дори-дармонларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Тадбир давомида «Навояй Дори-Дармон» АЖ омборида сақланётган 2 минг 180 турдаги маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган дори воситаларининг сақланиш шaroитлари билан танишилди.

ОАВ вакиллари ташриф бу юрган кейинги манзил Қизилтепа тумани бўлиб, бу ерда аҳолига дори-дармон ҳамда тиббиёт бўюмлари етказиб бериш ҳолати бўйича батафсил маълумот берилди.

Қайд этилишича, худудда марказий дорихона ва унинг 20 та шохбосчаси фаолият йўлга қўйилиб, 5 нафар олий ва 15 нафар ўрта махсус маълумотли фармацевт ходимлар томонидан хизмат кўрсатишмоқда.

Тадбир давомида «Навояй Дори-Дармон» АЖ омборида сақланётган 2 минг 180 турдаги маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган дори воситаларининг сақланиш шaroитлари билан танишилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Навояй вилоятида аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт бўюмлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор ишлар амалга ошириляпти. Бироқ фармацевтика бозорининг ўзига хос нозик жиҳатлари бор. Энг муҳими, бу бозордаги барқарорлик аҳоли қайфиятини белгилашини, унга фақат даромад манбаи эмас, балки жамият соғломлиги ва барқарорлигини таъминловчи омил сифатида қараш зарурати ни унутмаслик шарт.

— Айни кунларда Покистоннинг «Fair Enterprise» компанияси билан биргаликда корхонамизда антибиотиклар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ҳаракатидамиз, — дейди МЧЖ раҳбари Бобир Сирожов. — Бундан ташқари, бир қатор худудларда табиий гиёҳларни етиштириш орқали шифобахш дори-дармонларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Тадбир давомида «Навояй Дори-Дармон» АЖ омборида сақланётган 2 минг 180 турдаги маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган дори воситаларининг сақланиш шaroитлари билан танишилди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ЯНАДА САЙҚАЛ ТОПАДИ

Халқ озаки ижодининг гўзал ва бетакрор намунаси — бахшичилик мамлакатимизда минг йиллар давомида ривожланиб, баян қўқиларга кўтарилди. Ушбу санъат юртимиздаги турли миллат ва эллар ўртасида узаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келди ва бугунги кунда ҳам бу шарафли вазифани тўла адо этмоқда.

Бахшичилик санъатида халқимизнинг ўтмиши, руҳияти, менталитети, қадриятлари, урф-одат ва анъаналари акс этади. Шу боис ушбу ноёб санъат мавжуд бўлган барча элларда у номоддий маданий мерос сифатида муҳофаза қилинади, юксак қадрланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ўзбек миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбига ушбу санъат турига ҳурмат-эътибор тўғйуларини қўчайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Кейинги йилларда қабул қилинган Президент Фармон ва қарорлари соҳа ривожига янги ҳаёт бағишлаганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, юртимизда ЮНЕСКО шафелигида хар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш яхши анъана тусига кирди. Мамлакатимизда бахшичилик санъатини янада раванқ топтириш, унинг миллий маданиятини ва санъатимиздаги ўрни ҳамда аҳамиятини юксалтириш, ёш авлоднинг миллий ўзлигини англаш, Ватанга садоқат,

тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида, «оммавий маданият» шуру-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган бир шaroитда фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш сусайиб, кўп жойларда унутилиб, ҳимоя ва муҳофазага муҳтож бўлиб турган паллада мазкур қарорнинг қабул қилиниши бениҳоя катта воқеа бўлди. Таъкидлаш лозимки, халқимизнинг миллий ўзлигини, қадимий тарихи ва тилини, унинг ҳаёт тарзи, анъана ҳамда урф-одатларини ўзида мужассам этадиган, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинган бахшичилик санъати атоқли бахши-шўрларимиз, фольклоршунос олимларимизнинг фидойи меҳнати, ижодий

даёқ ажодларимиз озаки ижод орқали авлодларга мардлик, яхшилик, ҳалоллик, ватанпарварлик, дўстлик ибратини етказган. Шу жиҳатдан, бахшилар эзгулик элчилари бўлган ва ҳаммиса эъзозланган. Бугунги глобаллашув зароитида келиб ушбу тарихий санъат эътибордан четда қолди. Катта бахшилар кексайиб, кўп жойларда бу мерос унутлаётган, чўчи эътибор, қизиқиш, рағбат йўқ эди.

Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда Термиз шаҳрида ташкил этилган Бахшилар мактаби бахшичилик санъати анъаналарини ўрганиш ва давом эттириш, истеъдодли ёшларни кашф қилиш ҳамда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, илк марта Юртобшомис ташаббуси билан таништириш, ёшлар орасида миллий фольклорга бўлган қизиқишни ошириш, қардош халқлар ўртасида дўстлик алоқалар ва маданий ҳамкорлик доирасини халқаро кўламда кенгайтириш мақсадида Термиз шаҳрида 2019 йил 5 — 10 апрель кунлари Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилди. Бу ерда хар бир худуднинг ўзига хос ҳаёт тарзи, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати, майдон томошалари, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини ифода қилувчи кўргазмалар ташкил этилди. Юртимизда биринчи бор ўтказилган ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан зиёд вакиллар қатнашди.

Олимларнинг таъкидлашича, тафаккури билан асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда. Халқ достонлари фақат севгимухаббат тараннуми эмас, балки маданият, маърифат, тарбия воситаси бўлиб келган. Эзма манбалар бўлмаган қадимги даврлардаёқ ажодларимиз озаки ижод орқали авлодларга мардлик, яхшилик, ҳалоллик, ватанпарварлик, дўстлик ибратини етказган. Шу жиҳатдан, бахшилар эзгулик элчилари бўлган ва ҳаммиса эъзозланган. Бугунги глобаллашув зароитида келиб ушбу тарихий санъат эътибордан четда қолди. Катта бахшилар кексайиб, кўп жойларда бу мерос унутлаётган, чўчи эътибор, қизиқиш, рағбат йўқ эди. Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда Термиз шаҳрида ташкил этилган Бахшилар мактаби бахшичилик санъати анъаналарини ўрганиш ва давом эттириш, истеъдодли ёшларни кашф қилиш ҳамда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, илк марта Юртобшомис ташаббуси билан таништириш, ёшлар орасида миллий фольклорга бўлган қизиқишни ошириш, қардош халқлар ўртасида дўстлик алоқалар ва маданий ҳамкорлик доирасини халқаро кўламда кенгайтириш мақсадида Термиз шаҳрида 2019 йил 5 — 10 апрель кунлари Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилди. Бу ерда хар бир худуднинг ўзига хос ҳаёт тарзи, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати, майдон томошалари, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини ифода қилувчи кўргазмалар ташкил этилди. Юртимизда биринчи бор ўтказилган ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан зиёд вакиллар қатнашди.



Юртимизда дoston қуйлаш анъанаси қадимда у йўналишда ривожланган. Биринчи йўналиш — Булунгур, Нарпай, Нурота, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида дўмбира чертиб якка холда, бўғик овоз билан ижро этилган. Иккинчи йўналиш — Хоразмда тор, дутор, гижжак, гармон, буломан, қўшнай, доира журлигида баъзан якка, баъзан хуфт холда, оҳиқ овоз билан ижро этилган. Учинчи йўналиш — Фарғона водийсида дутор журлигида очик овозда айтилган. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Муродхон», «Мисқол пари», «Хасанхон», «Едгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Авазхон», «Киронхон», «Равшан», «Интизор», «Ширин билан Шакар», «Эрли», «Ойсулув» каби достонларни бахшилар айтиб келган.

1999 йилда Термизда ЮНЕСКО шафелигида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган. Ўзбек халқ озаки ижодининг ноёб дурдонаси ҳисобланмиш ушбу достонда, гарчи муайян худуд одамлари, уларнинг тарихи, маданияти, миллий урф-одат ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилинса-да, у умуминсоний қадриятларини ҳам ўзида ифодалаган юксак озаки ижод санъатидир. «Алпомиш» достони давр ва замонлар синовидан ўтиб, қилларга юксак руҳий мадда, маънавий озуқа бахш этиб келаяпти.

Кейинги йилларда «Алпомиш» достонининг бир неча янги варианти китоб ҳолида чоп этилди. Кўп жилли «Қорақалпоқ фольклори» тўпламлари, «Ўзбек халқ озаки ёдгорликлари» мажмуаси нашр қилинди. «Алпомиш» достони давр ва замонлар синовидан ўтиб, қилларга юксак руҳий мадда, маънавий озуқа бахш этиб келаяпти.

Мухтасар айтганда, юртимизда ноёб маданий меросимизни ўрганиш, унинг бекиё анъаналарини тарғиб қилиш ва ривожлантиришга қаратилган эътибор, бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг Инсоният номодий маданий мероси Репрезентатив руҳиятига киритилганда очик овозда айтилган. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Муродхон», «Мисқол пари», «Хасанхон», «Едгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Авазхон», «Киронхон», «Равшан», «Интизор», «Ширин билан Шакар», «Эрли», «Ойсулув» каби достонларни бахшилар айтиб келган.

Шавкат ШАРИПОВ, Жиззах давлат педагогика институти ректори, профессор.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЯНАДА КЕНГ МАЙДОНЛАРГА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Эътибор

Тадбиркор ёш оилага җў қуриб берди

Фаргона вилоятининг Бағдод туманидаги "Дашт" маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Улугбек Турғунбоев ҳудуддаги ёш оила учун янги уч хонали ўй қурилишида бош-қош бўлди.

Бағдод тумани ҳокими Восилжон Назаров Дилшоджон Жабборов оиласи учун хайрия маблағлари эвазига қад рўстлаган ўйи кўздан кечириб, эзгу иш ташаббускорларини эътибор этди.

— Улугбек Турғунбоев ҳудудимиздаги энг изланувчан, ташаббускор, тиниб-тинчимас ёшларимиздан, — дейди туман ҳокими. — У тадбиркор сифатида 50 нафар йигит-қизни иш билан таъминлагани ҳам ибратлидир.

"Дашт" МФЙ 3-сектор ҳудудида жойлашган. Сектор раҳбари Жаҳонгир Ҳасанов томонидан ушбу эътиборда ёш оилага ижтимоий-моддий қўмақ кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, "аёллар дафтари"га киритилган оила бекаси Убайдажоннинг ҳам, турмуш ўртоғи Дилшоджоннинг ҳам бандлиги таъминланди.

Ботир МАДИЁРОВ (Халқ сўзи).



Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди 2021 йилда бундай технологиялар жорий этиладиган ер майдонларини 5 баробарга кўпайтириш ва 430 минг гектарга етказиш белгиланди. Сув тежовчи технологияларни жорий этган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми янада кенгайтирилди. Бунинг натижасида шу йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, республикада бўйича жами 511,4 минг гектар майдонда, жумладан, 194 минг гектар ерда томчилик сўғориш, 11,2 минг гектарда ёмирилатиб сўғориш, 5,9 минг гектар пахта ва бошқа экин майдонларида дискрет сўғориш тизими жорий қилинди. Шу билан бирга, 78,8 минг гектар майдонларда эгилувчан қувурлар орқали ва 20,9 минг гектар экин

Бугун бутун сайёрамизда сув таъминоти глобал масалалардан бўлиб турган бир пайтда юртимизда ҳам сувни асраш, ундан тежаб фойдаланиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Мавжуд сув ресурсларининг салмоқли қисми қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришга сарфлашнинг эътиборга олинган, бу неъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришда тежамкор сўғориш технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Қарор ва ижро

майдонларида эгатга плёнка тўшаб сўғориш тизими орқали сўғориш ишлари олиб борилди ва 200,1 минг гектар майдонлар лазер ускунаси текислагичлар ёрдамида текисланди.

Мазкур тадбирларни амалга оширишда Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида ташкил қилинган 6 минг нафар ишчи-ҳодимлардан иборат сервис-монтаж гуруҳлари қурилиш-монтаж ишларига жалб қилинганлиги, айниқса, яхши самара берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги тегишли қарорига мувофиқ, "Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисmini қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисида Низом"га асосан томчилик сўғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланган 93,7 минг гектар пахта майдонлари учун

Давлат бюджети ҳисобидан 750,7 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратиб берилди. Замонавий технологиялар ҳосилдорлиги ва унинг сифатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Жорий йилда Бўхоро вилояти Қорақўл туманидаги "Мергантескс" ва "Қорақўл Кумуш Калава" пахта тўқимачилик кластерлари томонидан томчилик сўғориш жорий этилиб, ҳар гектар майдондан ўртача 70 центнердан ҳосил олинди.

Фаргона вилояти Қўштепа туманидаги "Fergana Global textile" пахта-тўқимачилик кластери томонидан Исроилнинг "Netafim" компанияси билан ҳамкорликда турпоғи қумлоқ, сув доим танқис, пахтадан ўртача 10-12 центнер ҳосил олинганда 215 гектар майдонда томчилик сўғориш технологиясини жорий этиш учун 520 минг долларлик замонавий ускуналар ўрнатилиши ортидан ҳар гектар ердан ўртача 45 центнердан хирмон кўтарилди.

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Юртимизда сувни тежайдиган сўғориш технологиялари ускуналари ва бўғловчи қисмларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилгача бор-йўғи 3 та корхона фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 40 тага етказилди ва маҳсулот таннархини бошқа давлатдан ташқи харажатларини тежаб ҳисобига 15—20 фоизгача пасайтириш ёки қаратирга 5 миллион сўмга арзонлаштириш имкони яратилди.

2021 йил 26 апрелдан 11 июнга қадар Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш ва субсидия ажратиш масалалари юзасидан онлайн ўқув курси ташкил қилиниб, 338 нафар сўғориш ҳўжалиги ходимларининг малакаси оширилди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида "Сув тежамкор сўғориш технологиялари" соҳасида магистратура мутахассислиги ҳамда "Сув ҳўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш" бўйича бакалавр таълим йўналишлари ташкил этилди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидидаги коллежларда "Сув тежовчи сўғориш тизими" кўрсатиш техникаси" касб йўналиши ташкил этилиб, 2021/2022 ўқув йили учун қабул параметрлари доирасида сувни те-

жайдиган технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар (консултант) тайёрлаш мақсадида намунавий ўқув режа ва малака талаби ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга татбиқ этилди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ҳамкорликда сув ҳўжалиги соҳасидаги 5,5 мингта раҳбар-ҳодимлар, шундан 2 минг 777 нафари сувдан фойдаланиш ва сув тежовчи сўғориш технологияларини жорий қилиш, 1 минг 200 нафари ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда мингдан зиёдининг насос станциялар ва мелиорация, гидротехника ва бошқа йўналишлар бўйича малакаси оширилди.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти фаолияти такомиллаштирилди ҳамда унинг Қўрдақлоқотин, Бўхоро, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё минтақавий марказлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган концепциясида 2030 йилгача камиди 2 миллион гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш мақсад қилиб қўйилган. Шундай экан, юртимизда бундай технологиялар қўлами йилдан-йилга кенгайиб бораверади.

Рустам ҚАРШИЕВ, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари.

БАРҚАРОР ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

Иқтисодий тиричилик тараққиёти ва халқимиз турмуш шароитида намоён бўлмоқда



Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодий тиричиликнинг барча тармоғини изчил ривожлантириш, инвестициявий жозибadorлик ва ишбилармонлик фаолигини оширишга қаратилган ислохотлар қўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бераётган. Эришилган ютуқлар ўзимизники, чунки ҳали ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ҳам етарли. Масалан, биргина электр энергетика тармоғини олайлик. Агар тизимда мавжуд имконият ва салоҳиятдан етарлича фойдаланилмаса, режалаштирилган ишлар ўз вақтида амалга ошмаслиги, бу пировардида, ривожланишнинг сусайишига олиб келиши турган гап.

Энергоресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш даражаси

Модернизация

— Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2019 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида"ги қарорига асосан, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти негизида "Иссиқлик электр станциялари" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ ҳамда "Худудий электр тармоқлари" АЖ ташкил этилган эди, — дейди Д. Исақулов. — Жамиятимиз Ўзбекистон Республикаси магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларни жорий ва капитал таъмирлаш, санаят, урбанизация талабларига мувофиқ ривожлантириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва қисман қўшни давлатлардан импорт қили-

Бугунги кунда тизимимизда 84 та юқори қучланишли подстанция ва 11 минг 400 километрдан ортиқ 220—500 киловольт қучланишли магистраль электр узатиш тармоқлари мавжуд.

Кейинги йилларда мамлакатимизда талабга мос тақлиф ишлари жадал тўра олиб, электр энергияси истеъмолчини қаноатлантириш мақсадида қўллаб-қувватлаш бўйича чикарилмоқда. Натижада 2012—2016 йилларда 680 МВА (мегавольт-ампер) янги қувватлар яратилган бўлса, 2017—2021 йилларда 5621 МВА қўшимча қувватлар ташкил этилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Беруний, Тўртқўл, Эллиққалъа туманларининг асосий қисмини электр энергияси билан таъминловчи

ечим топиш ҳамда электр энергиясига бўлган талабни қондириш, санаят ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжини қоплаш мақсадида жорий йилда подстанцияга қуввати 125 МВА бўлган иккинчи трансформатор ўрнатилиб, подстанциянинг иккинчи навбати ишга туширилди. Подстанцияга тушаётган юклама меъёрига келтирилиб, электр таъминоти ишончилиги оширилди.

Натижада Беруний, Тўртқўл, Эллиққалъа туманларида куз-қиш мавсумларида электр таъминотида рўй бериши мумкин бўлган аварияларнинг олди олинди. Мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари қувватларини кенгайтириш ва янги тадбиркорлик объектларининг ташкил электр таъминотидаги мустақамликнинг оширилишига ҳамда кейинги 3-5 йилликда электр энергиясига бўлган талабнинг тўлиқ қоплашига эришилди (яъни талабга мувофиқ ўтказувчанлик қуввати оширилди). Худди шундай, Андижон вилоятида бу йил 103 фоиз, яъни ўта юклама билан ишлаётган 220 кВли "Хакан" подстанциясида битта 125 МВА трансформатори ўрнига 200 МВАли трансформатор ўрнатилиб, вилоятда жами 75 МВА қўшимча қувват яратилди. Бўхоро вилоятидаги "Қўйимозор" подстанциясида эса 2x30=60 трансформатори ўрнига 125 МВАли трансформатор ҳамда қўшимча яна битта 63 МВАли трансформатор ўрнатилиши туфайли вилоятда жами 128 МВА қувват яратилишига эришилди.

"Қўйимозор" подстанциясидан таъминланувчи Аму-Бўхоро машина канали тизимининг ташқи электр тармоқлари мустақамлиги оширилди. Шунингдек, вилоят электр таъминоти ишончилигини ошириш мақсадида яна битта 125 МВА автотрансформатор ўрнатиляпти.

Жиззах вилоятидаги 110 кВли "ДНС-2" подстанцияси 220 кВ қучланишли подстанцияга айлантирилган бўлса, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги 220 кВли "Амир Темур" под-

станцияси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса бошқа подстанциялар юкламасини меъёрга келтириш баробарида, 110 кВли "Яккабоғ-1" ва "Яккабоғ-2" ҳаво электр узатиш тармоқларида ўта юклама ҳосил бўлишининг олдини олади. Ёки электр энергиясига бўлган талаб жадал ўсиб бораётган Самарқанд вилоятида ҳам жорий йилда юз фоиз юклама билан ишлаб келаётган 220 кВли "Каттақўрғон" подстанциясида 2 та 125 МВАли трансформатори ўрнига 2 та 200 МВАли трансформатор ўрнатилди ва вилоятда жами бўлиб қўшимча 365 МВА қувват яратилди.

Модернизация ва реконструкция ишлари Самарқанд вилоятининг "Чўпонота" ҳамда "Самарқанд" подстанциясида ҳам изчил олиб борилаётган. Мисол учун, "Чўпонота" подстанциясида 2 та электр узатиш тармоғи ўта юкларининг олдини олиш ва ўрнатилган учинчи трансформаторнинг номинал қувватларда ишлашини таъминлаш мақсадида "Чўпонота" ва "Сўғдиёна" подстанцияларини боғловчи 220 кВли, узунлиги 45 км. бўлган электр узатиш ҳаво тармоғини қуриш ишлари якунланмоқда. Бу, ўз навбатида, вилоятда юкламаларнинг ортиси билан боғлиқ ва аварияли ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган чекловларга барҳам бериб, электр ҳўжалик объектларининг турғунлиги ва истеъмолчилар талабини қондиришга хизмат қилади.

Республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олган бундай лойиҳалар жуда кўп ва уларнинг аҳолига уз-луқсиз равишда электр энергияси етказиб беришдан ташқари санаят корхоналари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти яхшиланишига хисса қўшаётгани эътиборга молик.

"Ўзбекистон МЭТ" АЖ тасарруфидидаги подстанцияларда энергия самардорлигини оширишга қаратилган аниқ чоралар қўрилган бўлиб, жами 55 жамламга эга 165 донга ҳаво ўчиргич элегазли ўчиргичларга алмаштирилди.

Шунингдек, подстанцияларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда соҳа

мутахассисларини тайёрлаш мақсадида йил якунига қадар 24 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, жамиятда рақамлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумат ва юқори ташкилотлардан келаётган топшириқлар ижросини






назорат қилиш мақсадида "lrg.gov.uz" ажро интизомии идоралараро ягона электрон тизими ташкил этилган. Келиб тушаётган ҳар бир топшириқ чуқур ўрганилиб, ижроси қатъий назоратга олинади.

Қайд этганимиздек, бундан беш — ўн йил илгари истеъмолчилар — аҳоли, ижтимоий соҳа объектлари, катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналарини куз-қиш даврида электр энергияси билан таъминлаш учун қувват етказиб бериш имконияти чекланганлиги ҳамда тизимдаги электр қуввати танқислиги оқибатида турли носозликлар кузатилаётган эди.

Шу ўринда юқорида айтилган — электр энергиясига бўлган эҳтиёж ортиб бораёти, деган фикримизни асослаш, қолаверса, газета ўқувчилари, қизиқувчиларга, умуман, электр энергияси истеъмолчиларига маълумот учун бир рақамни келтириб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу маънода, соҳада амалга оширилган инвестиция дастурлари электр энергияси таъминотида кенг қўламли йўлларнинг очирилишига, мавжуд ва янги ишлаб чиқариш объектлари қувватини оширишга ҳамда аҳолининг турмуш тарзи яхшиланишига хизмат қилиб, чекловларнинг олдини олишга ҳамда мустақам, ишончли электр таъминотига эришилаётгани диққатга сазовор. Зеро, амалга оширилаётган модернизация ва реконструкция, қурилиш-монтаж ишлари мамлакатимиздаги иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бизнес субъектлари ҳамда аҳолининг электр энергиясига ортиб бораётган талабини тўлиқ қондириш мақсадида бажарилмоқда.

"Халқ сўзи" мухбири Дилшод УЛУҒМУРОДОВ ёзиб олди.



наётган электр энергиясини тақсимловчи электр тармоқларига етказиб бериш (транспортиворка), қўшни мамлакатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш (экспорт, импорт, транзит), шу билан бирга, соҳада қурилиш-монтаж, модернизация-реконструкция ишларини амалга ошириш билан шугулланади.

220 кВли "Беруний" подстанциясида 100 фоиз юклама билан ишлаётган битта 125 МВАли АТ-1 трансформатори бўлган, холос. Ушбу трансформаторда режалаш таъмир ва электр синов ишларини бажариш учун электр тармоқларида қисман чекловлар қиртилди лозим бўлганлиги сабабли таъмирлаш ишларига муаммолар юзага келган. Бунга

наётган электр энергиясини тақсимловчи электр тармоқларига етказиб бериш (транспортиворка), қўшни мамлакатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш (экспорт, импорт, транзит), шу билан бирга, соҳада қурилиш-монтаж, модернизация-реконструкция ишларини амалга ошириш билан шугулланади.

наётган электр энергиясини тақсимловчи электр тармоқларига етказиб бериш (транспортиворка), қўшни мамлакатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш (экспорт, импорт, транзит), шу билан бирга, соҳада қурилиш-монтаж, модернизация-реконструкция ишларини амалга ошириш билан шугулланади.

наётган электр энергиясини тақсимловчи электр тармоқларига етказиб бериш (транспортиворка), қўшни мамлакатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш (экспорт, импорт, транзит), шу билан бирга, соҳада қурилиш-монтаж, модернизация-реконструкция ишларини амалга ошириш билан шугулланади.

наётган электр энергиясини тақсимловчи электр тармоқларига етказиб бериш (транспортиворка), қўшни мамлакатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш (экспорт, импорт, транзит), шу билан бирга, соҳада қурилиш-монтаж, модернизация-реконструкция ишларини амалга ошириш билан шугулланади.

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.